FARG‘ONA VILOYATI OLTIARIQ TUMAN HOKIMINING

QARORI

2021 - yil 30 - noyabr 121-11-151-Q/21 Oltiariq tuman hokimligi

Олтиариқ туманида 2022 йилда “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг (Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 2020 й., 03/20/642/1396-сон) 39-моддасига ва “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда), 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й,. 34-сон, 333-модда) асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2022 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш, қўшимча иш жойлари яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Олтиариқ туманида квота иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссиянинг таркиби 1-иловага ҳамда Олтиариқ туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази

томонидан тумандаги корхоналарда 2022 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд килинган (квота) иш жойларини тақсимоти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тумандаги корхоналар, муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектларга иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар тоифалари бўйича қуйидаги умумий тартибларга асосланиши шарт:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар;

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

«Меҳрибонлик» уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсатгичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун маҳсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун;

Одам савдоси қурбонлари ва атрофидагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий ахамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун - уларнинг касби бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари.

3. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунидаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни

ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлар ташкил этилишини таъминласинлар;

Корхона ва ташкилотлар, йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 фоиз ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин ҳамда бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йил бошланишидан камида икки хафта олдин ахборот берсин;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётан шахслар учун иш ўринларини қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилотлар (иш берувчилар) томонидан календар йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин 10 кундан кечикмай ахборот берсин.

4. Тумандаги корхоналар, муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектларга ушбу қарор талаблари бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 15-бандига мувофиқ қарорни бажармаганлиги учун жарима тўлаганлиги ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ташкил этиш мажбуриятидан озод қилинмаслиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2019-Б сонли буйруғига (АВ рўйхат рақами №3163, 31 март 2019 йил) мувофиқ, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам иш ўрнидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - режадан ортиқ қабул қилинган ҳар бир ҳодим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида субсидия тўлаб берилиши инобатга олинсин.

6. Мазкур қарорни Низомнинг 1-иловага асосан тегишли корхона,

ташкилот ва муссасаларга етказиш ва бажарилишини таъминлаш туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори К.Муратовга юклатилсин.

7. Туман хокимининг 16.09.2020 йил кунидаги № 996-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

8. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Ушбу қарор бажарилишини назорати туман хокими ўринбосари Ш.Мамасидиков зиммасига юклатилсин.

Олтиариқ тумани ҳокими **Х.Ниёзов**

Олтиариқ туман ҳокимининг
2021 йил 30 ноябрдаги
121-11-151-Q/21-сон қарорига
1-илова

Иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича маҳсус комиссиянинг таркиби

1. Ш.Мамасидиков - туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси.

2. К.Муратов - Ахоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори, комиссия масъул котиби

А Ъ З О Л А Р

3. М.Қундузов - туман ички ишлар бўлими бошлиғи подполковник

4. Ш.Бузруков - туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

5. Ш.Орипов - Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими

6. А.Умрзақов - Туман мудофаа ишлари бўлими

7. Э.Болтабоев - туман ижтимоий кўникма маркази бошлиғи

Олтиарик туман ҳокимининг
2021 йил 30 ноябрдаги
121-11-151-Q/21-сон қарорига
2-илова

2022 yilda Oltiariq tumani bo'yicha ijtimoiy ximoyaga muxtoj va ish topishda qiynalayotgan shahslarni ishga joylashtirish uchun band qilib qo'yilgan ish o'rinlari

№	Korxona va tashkilot nomi	Ro'yxat bo'yicha xodimlarining umumiy soni	2022 yilga zaxiraga qo'yish belgilangan ish o'rinlari soni	shu jumladan:							
				14 yoshgacha va nogiron bolalari bo'lgan yolg'iz va ko'p bolali ota-onalar uchun band qilingan ish o'rinlari soni	Umumiy o'rta va o'rta maxsus ta'lim tashkilotlarini, kasb-hunar maktablarini, kasb-hunar kollejlarini hamda texnikumlarni tamomlab, kasbga ega bo'lgan yoshlar	«Mehribonlik» uylarining bitiruvchilari, shuningdek oliy ta'lim muassasalarining davlat grantlari bo'yicha ta'lim olgan bitiruvchilari	O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligining, Ichki ishlar vazirligining, Favqulodda vaziyatlar vazirligining, Milliy gvardiyasining, Davlat xavfsizlik xizmatining qo'shinlaridagi muddatli harbiy xizmatdan bo'shatilgan shaxslar uchun band qilingan ish o'rinlari soni	Nogironligi bo'lgan shaxslar uchun band qilingan ish o'rinlari soni	Pensiyaoldi yoshidagi shaxslar uchun band qilingan ish o'rinlari soni	Jazoni ijro etish muassasalaridan yoki sudning qaroriga ko'ra tibbiy tusdagi majburlov choralari qo'llanilgan shaxslar uchun band qilingan ish o'rinlari soni	Odam savdosi qurbonlari va atrofidagilar uchun xavf tug'dirmaydigan ijtimoiy axamiyatli kasalliklardan azob chekuvchi shaxslar uchun band qilingan ish o'rinlari soni
1	4-maktabgacha taʼlim muassasasi	32	2		1			1			
2	5-maktabgacha taʼlim muassasasi	31	2		1			1			
3	6-maktabgacha taʼlim muassasasi	63	2		1			1			
4	8-maktabgacha taʼlim muassasasi	31	2		1			1			
5	10-maktabgacha taʼlim muassasasi	30	2		1			1			
6	15-maktabgacha taʼlim muassasasi	30	2		1			1			
7	18-maktabgacha taʼlim muassasasi	33	2		1			1			
8	20-maktabgacha taʼlim muassasasi	32	2		1			1			
9	24-maktabgacha taʼlim muassasasi	38	2		1			1			
10	31-maktabgacha taʼlim muassasasi	33	2		1			1			
11	35-maktabgacha taʼlim muassasasi	65	3	1	1			1			
12	37-maktabgacha taʼlim muassasasi	52	3	1	1			1			
13	38-maktabgacha taʼlim muassasasi	32	2		1			1			
14	39-maktabgacha taʼlim muassasasi	32	2		1			1			
15	1-umumiy o'rta taʼlim maktabi	94	5	1	2			2			
16	1-idum	72	5	1	2			2			
17	2-umumiy o'rta taʼlim maktabi	74	3	1	1			1			
18	2-idum	112	7	1	3		1	2			

19	3-idum	95	5		3			2			
20	4-umumiy o'rta taʼlim maktabi	68	4	1	1		1	1			
21	4-idum	63	3		2			1			
22	5-umumiy o'rta taʼlim maktabi	107	6	1	2			3			
23	6-umumiy o'rta taʼlim maktabi	73	4	1	1			2			
24	8-umumiy o'rta taʼlim maktabi	156	8	1	3			3	1		
25	9-umumiy o'rta taʼlim maktabi	56	3		1		1	1			
26	10-umumiy o'rta taʼlim maktabi	68	4		1		1	1	1		
27	11-umumiy o'rta taʼlim maktabi	78	5	1	1			2	1		
28	12-umumiy o'rta taʼlim maktabi	50	3		1			1	1		
29	13-umumiy o'rta taʼlim maktabi	87	4	1	1			2			
30	14-umumiy o'rta taʼlim maktabi	78	3	1	1			1			
31	14-son musiqa maktabi	78	5		3			2			
32	15-umumiy o'rta taʼlim maktabi	68	4	1	2			1			
33	16-umumiy o'rta taʼlim maktabi	63	4		2		1	1			
34	17-umumiy o'rta taʼlim maktabi	90	5	1	2			2			
35	18-umumiy o'rta taʼlim maktabi	56	3		1			1	1		
36	19-umumiy o'rta taʼlim maktabi	80	5	1	1		1	1	1		
37	20-umumiy o'rta taʼlim maktabi	92	5		2			2	1		
38	21-umumiy o'rta taʼlim maktabi	102	6		2			3	1		
39	22-umumiy o'rta taʼlim maktabi	48	3		1			1	1		
40	23-umumiy o'rta taʼlim maktabi	57	3	1	1			1			
41	25-umumiy o'rta taʼlim maktabi	68	4	1	1			1	1		
42	26-umumiy o'rta taʼlim maktabi	69	4		2			2			
43	27-umumiy o'rta taʼlim maktabi	44	3	1	1			1			
44	28-umumiy o'rta taʼlim maktabi	67	4	1	1			1	1		
45	31-umumiy o'rta taʼlim maktabi	68	4		1			2	1		
46	32-umumiy o'rta taʼlim maktabi	64	4	1	1		1	1			
47	34-umumiy o'rta taʼlim maktabi	66	4	1	1			2			
48	37-umumiy o'rta taʼlim maktabi	52	3	1	1			1			
49	39-umumiy o'rta taʼlim maktabi	69	4	1	2			1			
50	42-umumiy o'rta taʼlim maktabi	44	3	1	1			1			
51	43-umumiy o'rta taʼlim maktabi	65	4		1			2	1		
52	Oltiariq tuman tibbiyot birlashmasi	1572	80	4	25	2	4	40	5		
53	Oltiariq tuman 1-sonli shifoxonasi	78	5		2	1		2			
54	"FAYZIOBOD" viloyat bolalar silga qarshi kurash sanatoriyasi	133	9	1	2	1	1	3	1		
55	Oltiariq tuman maktabgacha taʼlim bo'limi	47	3	1	1			1			
56	Barkamol avlod bolalar markazi	74	5	1	2			2			

57	Oltiariq tumani Xalq ta'limi bo'limi	43	2		1			1			
	JAMI	**5222**	**290**	**32**	**103**	**4**	**12**	**120**	**19**	**0**	**0**